

Карвон ўтаверади...



15:26 / 06.01.2023 1674

Бировни қариндоши туфайли айблашдан олдин Нух алайҳиссаломнинг оқ бўлган ўғли борлигини, Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси мушрик бўлганини, Лут алайҳиссаломнинг хотини кофира бўлганлигини, Осиёнинг эри «Мен сизнинг олий Роббингизман» деганини, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Лаҳаб исмли амакилари борлигини унутманг! Ким сизга тавозу қилса уни шундай кўтарингки, у сиз ҳақингизда бу мендан бошқа кишини кўрмайди деб ўйласин!

Ким сизга мутақаббирлик қилса уни шундай ерга урингки, у сиз ҳақингизда бу мени кўрмаяпти деб ўйласин!

«Бас, у қавмини лақиллатди ва улар унга итоат қилдилар».

Бу Аллоҳнинг ердаги қонуни. Аҳмоқлар бор жойда золимлар бўлади!

У эрига деди:

- Майли, бошқа аёлга уйланинг. Сизнинг фарзанд кўришга ҳаққингиз бор!

Эри деди:

- Сен онаси бўлмаган бола менга керак эмас!

Ухлашни истаётган умматни уйғотишдан кўра ухлаб ётган умматни уйғотиш анча осонроқ!

Маошнинг оз бўлиши муаммо эмас. Катта-катта маош оладиганлар туфайли у муаммо бўлиб кўринади!

Агар асосларингизни рўёбга чиқаришга қодир бўлмаётган бўлсангиз услубингизни ўзгартиринг. Дарахтлар томирини эмас, баргини ўзгартиради!

Ит охудан сўрабди:

- Нега сенга етиб бўлмайди?

Оху деди:

- Чунки мен ўзим учун югураман. Сен эса хўжайининг учун югурасан!

Агар ҳақ йўлида оху бўлишга кўзингиз етмаса, ҳеч йўқса ботил йўлда ит бўлманг!

Худхуд бир қавмнинг мусулмон бўлишига сабаб бўлди. Чумоли бир кўшиннинг йўналишини ўзгартириб юборди. Қарға Одам фарзандларига инсонни дафн қилишни ўргатди. Кит бир пайғамбарни қорнида сақлади. Фил Каъбани бузишдан бош тортди.

Кўпгина инсонлар эса ҳайвонга ўхшайди, ҳатто ҳайвондан ҳам баттарроқ! Қалби салим инсон қилган хатоларига надомат қилади. Покиза инсон эса қилмаган тўғри ишлари учун надомат қилади!

Бутун дунёни сотиб олишга қодир бўлишинг бойлик эмас. Бойлик бу бутун дунё бир бўлсада, сени сотиб ололмаслигидир!

Етмиш ёшли бир отахон менга шундай деган эди:

«Сени севадиган аёлни севган аёлинг учун ташлаб кетма. Ўлишдан илгари яшашни ўйла!».

Шахсан мен динимизга душманлардан кўра кўпроқ мусулмонлардан зарар етишидан хавфдаман!

Илмнинг тўртдан уч қисми илмсизлигингни қандай яширишни билишингдадир!

Исломни кўмишнинг иложи бўлганида уни Маккадаёқ кўмиб юборишар эди. Агар уни қамал қилишнинг иложи бўлганида Хандақда уни қамал қилишар эди. Агар уни тугатишнинг иложи бўлганида мўғуллар уни тугатган бўлишар эди. Карвон ўтаверади, итлар ҳураверади!

Абдулқодир Полвонов